



## THEORETICAL SUBSTANTIATION OF INTERNATIONAL MULTIMODAL TRANSPORT INDICATORS AND IMPROVEMENT OF INTERNAL NORMS

Akbar Muminovich Sarimsakov

Andijan Institute of Mechanical Engineering, Republic of Uzbekistan

Associate Professor of Transportation Organization and Transport Logistics.

### **Annotation**

Recommendations have been developed to theoretically substantiate the indicators of international multi-modal transportation and to improve domestic standards.

**Keywords:** multimodal, transportation, indicators, technology, internal norm, conflict norm,

Хозирги кунда ҳалқаро ташувларни ривожлантиришда ички меъёр(норма)лар тафоутларни мавжудлиги: мамлакатлар валютасидаги фарқлар, ёнилғи мойлаш материалларнинг нархларидағи фарқлар, инфратузилмалардаги нокулайликлар, транспорт коридорларидағи ҳайдовчилар учун хавфсизлик кафолатларини етишмаслиги, харакатланаётган автоуловларни экологик стандартларга жавоб бермаслиги каби муаммолар ҳалқаро мултимодал ташувларда тавар моддий бойликларни силжитишига қалақит бериб келмоқда. Бу муаммолар ҳалқаро мултимодал ташувлар таннархини ошириб юбормоқда, оқибатда Ўзбекистон етиштирилган мевалар ишлаб чиқилған маҳсулотларни дунё бозорларига чиқишида қийинчиликга учрамоқда [2].

Бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан чегараларда юкларни назорат қилиш шартларини келишиш тұғрисидаги ҳалқаро конвенция ҳалқаро юк ташиш тартибини енгиллаштириш, назорат турлари ва уларнинг давом этиш вақтини миллий ва ҳалқаро құламда үйғунлаштириш йўли билан қисқартириш мақсадини амалга оширди. Бу муаммоларни хал қилишда Ўзбекистон Республикаси хукумати томонидан "Автомобил транспортида юкларни ҳалқаро ташишни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора -тадбирлар тўқғирисида 07.06.2019. 4353- сонли қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2019 — 2021-йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамаси қузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-



қувватлаш давлат жамқармасидан автомобиль транспортида юкларни халқаро ташийдиган тадбиркорлик субектлариға қуидагиларни беришни назарда тутувчи автомобилда халқаро юк ташиш учун фойдаланиладиган мақаллий ва чет әлда ишлаб чиқарылған катта қажмли юк автотранспорт воситалари, тиркамалар ва ярим тиркамаларни сотиб олишда миллий ташувчиларни давлат томонидан құллаб-қувватлаш тартиби жорий этилди:

тижорат банкларининг жалб этиладиган кредитлари бүйича фоиз харажатларини қоплашга, миллий валютадаги кредитлар бүйича — тижорат банклари томонидан белгиланған ставканинг 25 фоизи миқдорида, бироқ 5 фоизли пунктдан күп бўлмаган миқдорда, хорижий валютадаги кредитлар бүйича — тижорат банклари томонидан белгиланған ставканинг 40 фоизи, бироқ 3 фоизли пунктдан күп бўлмаган миқдорда компенсация берилади; тижорат банкларининг кредитлари бүйича кредит суммасининг 50 фоизигача, бироқ 2 млрд сўмдан күп бўлмаган миқдорда кафиллик бериш тўқрисидаги таклифлар маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 — 2021-йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамаси қузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни құллаб-қувватлаш давлат жамқармасига ушбу бандда кўрсатилған мақсадлар учун зарур маблақтарнинг босқичма-босқич ажратилиши таъминланди.[1]

Ички нормаларни либераллаштириш бүйича қуидаги таклифлар ишлаб чиқилди. Ҳалқаро қатновни тартибга солишда ички хуқуқ катта аҳамиятга эга. Ҳалқаро қатнов тўғрисидаги битимларнинг амал қилиши ички хуқуқнинг вазифаларини мураккаблаштиради. Амалда мавжуд бўлган давлатлараро битимлар баъзи муҳим транспорт операцияларига тасир этмайди, чунки бундай операциялар ўзига хос хусусиятларга эгадир. Шунинг учун улар ички хуқуқ нормалари билан тартибга солинадилар.[2]

Давлатлараро ташишларнинг айрим мамлакатларда турлича белгиланған баъзи шартларини транспорт конвенциялари доирасида әмас, балки уларни юк жўнатиладиган ва юк бориб тушадиган мамлакатларнинг ички қоидаларига буйсундириш йўли билан тартибга солиш самарали бўлиб қолмоқда.



Давлатлараро битимларнинг бир хиллаштирилган нормаларини қўллаш жараёнида келиб чиқадиган камчиликлар ички хукуқ нормалари билан тартибга солинади.

Мултимодал ташувлар технологиясини натижасини назарий жиҳатдан асослаш бу соҳани ривожлантиришга замин яратади.

Мултимодал ташувлар операторининг иш натижаларига баҳо бериш учун, мултимодал ташувлар жараёнини баҳолаш учун технологиялилик даражасини тезлашувини қўйдаги формула билан баҳолаймиз:

$$V = \sum_1^n \Delta L / \Delta t \text{ (км/соат)}$$

Бунда,  $\Delta L$ - технологиялилик даражасини ортиши ҳисобига автомобилнинг юриш унимдарлигини ўсишини билдиради  $\Delta t$ - технологиялилик даражасини ортиши ҳисобига автомобилнинг ташиш жараёнига барча турдаги ( юқлаш-тушириш, хужжатларни тайрлаш учун ва божхона кўриклари учун) сарифланадиган вақтларни қисқариш натижасини билдиради;

Ички хукуқнинг тутган ўрнини баҳолашда:

1. Ички хукуқ мамлакат ичкарисида амалга ошириладиган барча турдаги ташишларга нисбатан қўлланилади;
2. Ички хукуқ экстерриториал таъсир кучига эга, яъни ички хукуқ ўз таъсир кучини Давлатлараро ташишларга нисбатан ҳам ўтказади (бундай ташишлар тегишли давлат худудидан ташқарига чиқсан тақдирда ҳам).

Ана шу экстерриториаллик таъсир кучини аниқ белгилашда мамлакатлар ички қонун хужжатларида маълум тафовутлар бўлиши мумкин. Транспортга доир шартномаларда ҳалқаро қатновнинг тартибга солиниши тарихан ички хукуқ заминида юзага келган. Бунинг сабаби ҳалқаро қатнов борасида тажрибанинг мавжуд эмаслиги эди.

Ички хукуқ томонидан транспорт шартномалари нормаларининг ўзлаштирилиши 2 - усулда амалга оширилади:

1. Ички хукуқ нормаларини транспорт соҳасида мавжуд ҳалқаро шартномаларнинг қоидалари билан мувофиқлаштириш.
2. Чет элга ташиш тўғрисидаги тегишли битимлар қоидаларини инобатга олиб автомобил транспортида ички хукуқда маҳсус нормаларни яратиш.



Ички ҳуқуқ таркибида ҳалқаро қатновларни тартибга солувчи маҳсус ҳужжатлар ҳам мавжуд бўлади. Ҳалқаро ташишларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган ички ҳуқуқ ҳужжатларини қўйидаги 5 та гурӯҳга бўлиш мумкин:

- 1) умумий қонун ҳужжатлари;
  - 2) транспортга оид қонун ҳужжатлари;
  - 3) ҳалқаро қатновларни тартибга солиш учун чиқарилган маҳсус ички ҳуқуқ ҳужжатлари;
  - 4) қабул қилиниши ҳалқаро битимларда назарда тутилган ички ҳуқуқ ҳужжатлари;
  - 5) ҳалқаро қатновларни амалга оширишга кўмаклашувчи ҳужжатлар.
- Умумий қонун ҳужжатлари ма'мурий, молиявий (солик), фуқаролик (савдо), прессессуал ҳуқуқ нормаларини қамраб олади. Булар орасида хорижий транспорт ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий режимини белгилаб берувчи ма'мурий ва солик ҳуқуқи нормалари алоҳида аҳамиятга эга.[3]

Транспортга оид қонун ҳужжатлари аксарият мамлакатларда қўйидаги шаклларда бўлади:

- 1). Транспортнинг алоҳида турлари учун чиқарилган транспорт кодекслари (низомлари);
- 2). Ташиш қоидалари, я'ни тарифлар. Булар тегишли транспорт вазирлиги ёки идораси томонидан тасдиқланади ва транспорт кодекслари(низомлари)ни тўлдиради. Транспорт фаолиятининг айrim масалалари бўйича маҳсус ҳужжатлар чиқарилиши ҳам мумкин. Ҳалқаро битимлардаги маҳсус кўрсатмалар асосида чиқарилган миллий қонун ҳужжатлари ва уларнинг нормаларини бу соҳада қўлланиш ички ҳуқуқ ёрдамида ҳалқаро қатновни тартибга солишнинг алоҳида усули ҳисобланади. Автомобил транспортига оид шартномаларда муҳим коллизион ҳаволалар учрайди холос.

Ҳалқаро ташишлар соҳасидаги коллизион нормалар императив (я'ни қат'ий, томонлар учун мажбурий) ва диспозитив (я'ни танлашга йўл қўювчи, манфаатдор шахсларнинг келишувига кўра бошқача ечимга йўл қўювчи) бўлади.

Ҳалқаро ташув кўрсаткичларини назарий асослаш ва мамлакатлар ички нормаларни такомиллаштириш бўйича олинган услубий натижаларга асосан қўйдагиларни хulosса қилиш мумкун:



- Халқаро ташув операторланинг нийтийн аниқлашда назарий асослардан фойдаланиш:
- Халқаро қатнов түғрисидаги битимлар ва ички қонун хужжатлари маҳсус коллизион боғланишларни назарда тутади;
- Мамлакатга кириб келаётган юк ва йўлочи транспорти учун барча турдаги инфратузилмаларни ташувчи транспорт экипажига фойдаланиш учун йўл харитасини ишлаб чиқиш. Харитада ёқилқи қўйиш шахобчаларини автосервислар, меқмонхона жойлашган жойлари, худудлардан ўтиш йўли бўйича сўровга асосан электрон маълумотлар тайрлаш ва рекламма қилиш.
- Логистик марказларда транспорт коридорларидағи ҳайдовчилар учун хавфсизлик кафолатларини таминловчи навбатчи қўриқчи гурухларни ташкил этиш. Навбатчи қўриқчи гурухлар мамлакатга кириб келаётган юк ва йўловчи ташиш экипажларини қабул қилиб чегарагача кузатиб қўиши[4]

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.06.2019 "Автомобил транспортида юкларни халқаро ташишни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора –тадбирлар түғрисидаги 4353- сонли қарори.
2. Innovation and Technologyin Multimodal Supply Chains Discussion Paper 34
3. Sarimsakov A., Gaffarov M. Ways to Develop Small Business Legal Logistics // Бюллетень науки и практики. 2020. Т. 6. №7. С. 311-314. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/56/37>
4. Sarimsakov A., Gaffarov M. Methods of Passenger Transport Logistics Development in the City // Бюллетень науки и практики. 2020. Т. 6. №11. С. 304-311. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/60/38>